• *Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан*

# ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ ОЧАДИ

***Сессия муҳокамасига киритилган «Уруғчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда алоҳида ўрни борлиги ҳеч кимга сир эмас. Мухбиримиз Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Жумабой ЎТАМОВдан ушбу қонун лойиҳасини шарҳлаб беришни илтимос қилди.***

— Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини тубдан яхшилаш, сифатли уруғликлар етиштириш ва уларни экишга тайёрлаш ишлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Тан олиб айтиш керакки, кейинги йилларда қишлоқ хўжАалик экинларининг уруғларини етиштириш ва қайта ишлаш бирмунча сусайиб, издан чиқа бошлади. Бундай ҳол, табиийки, ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш, бозорни ва қайта ишлаш саноатини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатди.

«Уруғчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини маълум маънода ана шундай талаб ва эҳтиёж асосида дунёга келди, деб аташ мумкин. Ундан кўзланган асосий мақсад, юксак хорижий тажрибаларга таянган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини барпо қилиш ва ривожлантириш, хўжаликларни маҳаллий шароитга мос, юқори ҳосилли ва олий навли уруғликлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва тартибга солишдир.

Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиниши қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини нафақат ички имкониятлар ҳисобига, балки чет эл инвестицияларидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ҳам имконият яратади.

**— Жумабой ака, тўғри танланган уруғ ҳосилдорликни оширишга қай даражада боғлиқ бўлиши мумкин?**

— Мамлакатимиздаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, селекция ва уруғчилик ишлари тўғри қилиниб, уруғлик сифати яхшиланганда экинлар ҳосилдорлиги 20-30 фоизгача ошади.

Биз агар ана шундай юқори натижаларга эришсак, аҳоли ва қайта ишлаш корхоналарини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, балки хорижий мамлакатларга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

**— Қонун лойиҳасида асосан уруғчилик билан боғлиқ масалаларнинг қайси жиҳатларига эътибор қаратилган?**

— Қонун лойиҳаси 19 моддадан иборат. Унда уруғчилик билан шуғулланувчиларнинг вазифалари, уруғлик сифатини аниқлаш, сертификациялаш, уруғликларни импорт ва экспорт қилиш тартиблари, уруғликка доир кафолатлар, суғурта уруғлик фондини барпо этиш тартиблари ва бошқа нормалар белгиланган.

**— Қонун лойиҳасига мувофиқ четдан уруғ олиб келиш ва олиб чиқиш масалалари қандай тартибда ҳал этилади?**

— Уруғларнинг нави ва барча хусусиятлари кўрсатилган шаҳодатнома (сертификат) бўлган тақдирдагина республикамиз ҳудудида тарқатиш мумкин.

Қонун лойиҳасида карантин ва бошқа хавфли ҳашоратлар, ўсимлик касалликлари ёки зараркунандалар кенг тарқалган давлатлардан келтирилган уруғликларни тарқатиш ҳам қатъий тақиқланган.

Шунингдек, хориждан келтирилган уруғликлар сифатли, ҳар хил касалликлардан холи бўлиши билан биргаликда давлат нав синаш комиссиясидан ҳам ўтган бўлиши керак.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Исмат ХУДОЁРОВ**
**суҳбатлашди.**

# МАМЛАКАТ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

### 23 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТДА «ВАТАНПАРВАР» МУДОФААГА КЎМАКЛАШИШ ЖАМИЯТИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ

***«Ватанпарвар» Республика мудофаасига кўмаклашиш жамияти Ўзбекистон фуқароларининг мудофаа-спорт ишлари билан шуғулланувчи мустақил жамоат тузилмасидир. Жамият ишининг асосий мақсадлари мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, меҳнаткашларни ва айниқса, ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, спортнинг техникавий турларини ривожлантириш, техник тайёргарлик ва ижодкорлик, фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат. Бу ташкилот қандай вазифаларни ҳал этаётгани, унинг биринчи қурултойида муҳокама қилиш учун қандай масалалар қўйилиши тўғрисида «Ватанпарвар» марказий кенгашининг раиси генерал-майор Жамшир Шоҳмардонов ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Ташкилотимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеа Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини байрам қилиш арафасида ўтиши диққатга сазовордир. 1991 йилда ташкил топган «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашиш жамиятининг фаолияти мамлакатимиздаги бошқа барча давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти каби республикамиз ва унинг халқи тарихи билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Қуролли кучлари мураккаб бир иқтисодий шароитда, мамлакат Президенти, республика Қуролли кучларининг Олий бош қўмондони Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида барпо этилди. Ҳозирги кунда Қуролли кучларимиз энг замонавий вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган тез ҳаракат қилувчи, жипслашган жанговар кучлардир.

Ватанни ҳимоя қилиш бутун халқнинг иши экани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунда ёзиб қўйилган. Жамиятимиз ходимлари ва фаоллари шу қоидага асосланиб мамлакат қуролли кучларини ривожлантиришга баҳоликудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ташкилотимиз тузилган пайтда муайян қийинчиликларга дуч келди. Республика ҳукуматининг, Мудофаа вазирлигининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши, ходимларимизнинг жонкуярлиги ва фаоллиги туфайли бу қийинчиликлар енгиб ўтилди.

«Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашиш жамиятининг фаолияти ҳамиша мамлакат раҳбариятининг диққат марказида турибди, ҳар йили бу фаолиятни кучайтиришга ёрдам берадиган қонунлар ёки давлат ҳужжатлари қабул қилинди. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси, Вазирлар Маҳкамасининг бошқа қарорлари шулар жумласидандир. Шу қарорларда, хусусан, «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашиш жамиятининг мақоми ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари, давлат органларининг бу жамиятни қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари, ташкилотнинг моддий-техника таъминоти тартиби белгилаб берилди.

Ҳукумат қарорларини бажариш учун барча вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари тегишли ҳужжатларни қабул қилдилар. Бу эса «Ватанпарвар» тарихида муҳим босқич бўлди, жамиятимизда унинг обрўсини оширди.

Ҳозирги пайтда «Ватанпарвар» ўттиздан ортиқ мутахассислик бўйича техник кадрларни тайёламоқда. Қиёслаш учун айтиб ўтаман. Олдинги йилларда армия, авиация ва флотга кўмаклашиш кўнгилли жамияти (ДОСААФ) ўнга яқин турдаги мутахассисларни таёрлар эди. Сўнгги беш йил ичида бир неча ўн минг техника мутахассислари тайёрланди. Айни пайтда янги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу иш Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятлари ташкилотларида яхши йўлга қўйилган. Самарқанд, Наманган,Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги мактабларда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда.

Ўз фаолиятимизда оммавий техникавий касблар бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Бу вазифани ҳал қилиш катта халқ хўжалик ва мудофаа аҳамиятига эга. Ўқув ва спорт ташкилотларимиз беш йил ичида оммавий-техникавий касблар бўйича 200 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади. Бу иш Тошкент ва пойтахт вилояти мудофаага кўмаклашиш жамиятлари ташкилотларида, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларида, бошқа айрим шаҳарларда ва туманларда жуда яхши йўлга қўйилган.

Спортнинг техникавий ва ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш Қуролли кучлар учун мутахассислар тайёрлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу армияга чақириладиган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни Қуролли кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёрлаш манфаатларига мос келади.

Қўлга киритилган ютуқларга қарамай, ишимизда ҳал этилмаган муаммолар ҳам кўп. Бу муаммолар қурултойда муҳокама қилинади.

**(ЎзА).**

# ИШЧАН РУҲДА ЎТМОҚДА

***Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган «Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар» мавзуидаги махсус семинар ўз ишини давом эттирмоқда. Сўз — семинар қатнашчиларига.***

**— Рустам БОБОЖОНОВ, Меҳнат билан бандлик вазирлигининг ИТИ директори (Тожикистон):**

— Семинар ишида МДҲ давлатлари ва Монголиядан ташриф буюрган ижтимоий соҳа мутахассислари қатнашишмоқда. Иттифоқ парчалангач, бизнинг мамлакатларимизла юзага келган вазият кўп тарафлама ўхшаш — бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш. Албатта, МДҲ давлатлари танлаган ривожланиш йўллари бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистон танлаган йўл биз учун катта қизиқиш уйғотади. Сизнинг республикангизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат катта эътиборга лойиқ. Биз Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги идораларининг иш йўналишлари билан танишиб, республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизми мукаммал ишлаб турганлигининг гувоҳи бўлдик. Маълумки, ижтимоий сиёсатнинг асосини ҳуқуқий база ташкил этади. Ижтимоий ҳимоялаш кафолати қонун даражасида бўлмоғи керак. Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ана шулар асосида қурилганлигига ишонч ҳосил қилдик.

**Тамара ГАВРИЛЕНКО, иқтисодиёт Академиясининг ижтимоий менежмент ўқитувчиси (Молдова):**

— Тошкентда семинар ўтаётган пайтда кунлар иссиқ, қуёш чароғон бўлди. Семинар ташкилотчилари ҳам семинар иши илиқ ўтишини таъминлаяптилар. Семинар ишида машғулотлар олиб бораётган Халқаро банкнинг иқтисодий ривожланиш институти ўқитувчилари ва Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина ва ўзбекистонлик вакиллар ўқув дастурини шундай олиб бормоқдаларки, биз ҳам назарий, ҳам амалий билимларимизни бойитмоқдамиз. Вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашувлар эса ишчан руҳда, самимий ҳолатда ўтмоқда.

**И. КОГАЙ.**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ —





***Навоий истиқлол шарофати ила 1992 йилда вилоят сифатида қайта ташкил этилди. Ўтган давр навқирон вилоятнинг иқтисодий ҳаётида бозор муносабатлари босқичма-босқич тобора чуқурлашиб, ривожланиш йўлига кириб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ислоҳотларни жадаллаштириш, иқтисодий тизимнинг нодавлат секторини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чет эл сармояларини жалб этиш бунда асосий омиллар ҳисобланади.***

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТУФАЙЛИ

Буларнинг барчасига интеграцияга кенг йўл очиш орқалигина эришиш мумкин.

Вилоятнинг иқтисодий салоҳиятига назар ташланса, имкониятлар етарли эканлигини кузатиш мумкин. Бой табиий ва ишчи ресурсларлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги барқарорликлар шулар жумласидандир. Асосий эътибор эса ўзаро манфаатли шерикчилик лаёқатига эга фирмалар, тадбиркорлар, молия, кредит хизматининг уддасидан чиқадиган банк ва жамғарма муассисларини жалб этишга қаратилган. Бунда чет эл сармоясини ишлаб чиқаришга, биринчи навбатда, саноат ва ишлаб чиқаришга йўналтириш муҳим ўрин тутади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда вилоятда объектлар танлаб олинмоқда. Техник жиҳозлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, экспорт қилишгача қамраб олинган умумий миқдори 200 миллион АҚШ доллари ёки 1,6 миллиард сўмлик валюта жамғариш имконини берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 19 та лойиҳа маъқулланиб, иш бошланган.

1995 йилда вилоятга иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида жаҳон ва МДҲ мамлакатларидан 35 та фирма ва компанияларнинг вакиллари ташриф буюришди. АҚШнинг «Нью-ингланд майнинг энд металз» компанияси иштирокида «Сармиш» фойдали бойликлар макони бўйича техник иқтисодий асослар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Республика Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳа ишларига 15 миллион АҚШ доллари сарфланди. Япониянинг «Токи корпорейшн» фирмаси ва республика «Об-ҳаёт» фирмаси ҳамкорликда марказлаштирилган тартибда вилоят ҳудудларидаги лалми ерлар сув манбалари, қудуқ ва сивахиналарни ўрганиб, уларни технологик жиҳозлаш масалаларини кўриб чиқмоқда.

Германиянинг «Сименс» фирмаси билан алоқа ва телекоммуникация қурилмаларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Туркия фирмалари билан Қизилтепа туманидаги «Зармитан» жамоа хўжалиги алоқалари яхши натижа бермоқда. Айирбошлаш йўли билан хўжаликда сутни қайта ишлаш корхонаси қурилди. «Ғозғонмармар», «Нуротармармар», «Навоийцемент» корхоналарида Ҳиндистон кредитлари ҳисобига мармар силлиқлаш ишлари йўлга қўйилмоқда. Вилоятда шу йил 1 январига қадар 21 та қўшма корхона, битта ваколатлик рўйхатга олинган. «Зариспарк», «Агама», «Навоий Центр — Бизнес», «НКЗ — Кимё — ЛТД», «Навоий — казеин» қўшма корхоналарида 348,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ёки 13,5 миллион АҚШ долларига, импорт эса 2,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Бу ўтган йилгига нисбатан 4,3 марта кўпдир.

Вилоятда 50 та ташкилот ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этмоқда. Шуларнинг 7 таси сўмни конвертациялаш ҳуқуқига эга.

Чорвачилик вилоятда етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Ушбу соҳага ҳам чет эл сармояларини жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Туркиянинг «Тифаш» компанияси билан йилига 4000 тонна жунни қайта ишлайдиган қўшма корхона бунёд этиш ҳақида шартнома тузилган. Шартномага кўра корхона харажатларининг 51 фоизи «Тифаш» компанияси, 49 фоизи эса вилоят қоракўлчилик хўжаликлари улушига тўғри келади. Қўшма корхона «Электрохимзавод» ва «Сентипон» ҳиссадорлик жамиятлари базасида ташкил этилмоқда.

Россиянинг «Каминка» фирмаси ва Зарафшондаги чарм-кўн заводи ўртасидаги келишувга асосан йилига 100 минг қоракўл терини қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни амалга оширадиган қўшма корхонага ҳам асос солинди.

«Навоийқоракўл» бирлашмаси билан биргаликда Нурота шаҳрида йилига 300 минг қўй терисини қайта ишловчи завод қурилиши бошланди.

Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми камайиши каби кўнгилсиз ҳодисага қарши ишлаб чиқилган дастур ўз самарасини берди. Ўтган йили вилоятда 5,087 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 102,9 фоизни ташкил этди. 1994 йилда хусусий сектордаги корхоналар сони 57 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда эса 82 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш бўйича эса 1994 йилда нодавлат мулк шаклидаги корхоналарнинг ҳиссаси 14 фоизни, 1995 йилда эса 38 фоизни ташкил этди. Вилоятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичларининг асосий қисми ҳозирги кунда давлат тасарруфида бўлган Навоий тоғ-металлургия комбинати ва «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобига тўғри келишини эътиборга олсак, бу рақам етарли даражада юқорилигини айтиш мумкин.

1996 йилнинг 1 январига қадар вилоятда жами 141 та объект хусусийлаштирилган бўлиб, бу борада ҳукумат дастури юз фоизга бажарилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблаг вилоят миқёсида 111180,4 минг сўмни ташкил этди.

1995 йилда вилоятда 4002 та хусусий ва кичик корхоналар рўйхатга олинган бўлса, шулардан 3306 таси хусусий, 696 таси эса кичик корхоналардир. 1142 та деҳқон-фермер хўжаликлари мавжуд.

Вилоят аҳли республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги тантаналарини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Вилоят пиллакорлари режадаги 654,3 тонна ўрнига 701 тонна пилла топшириб, улкан зафар қучдилар.

Мустақилликнинг беш йиллиги нишонланадиган жорий йилда Навбаҳор туманида қанд заводи қурилиши бошланди. Навоий шаҳрида ёғ-экстракция заводини бунёд этишга рухсат олинди. «Тизол» фирмаси билан ҳамкорликда базальт толаси ишлаб чиқариш учун синов ишлари олиб борилмоқда. «Навоийцемент» АЖ иштирокида Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси ташкил этилиб, қадоқлаш линияси қурилиши бошланади. Бунинг учун лозим бўлган ускуналарнинг бир қисми келиб тушди.

Биз Навоий вилоятида кейинги беш йилда амалга оширилган ишларнинг бир қисминигина қаламга олдик. Бироқ шуларнинг ўзи ҳам вилоятда ислоҳотлар улкан самара бераётганлиги, кишилар руҳиятида порлоқ истиқболга нисбатан юксак ишонч пайдо бўлганлигидан далолат бермоқда.

• *Тадбиркорлар ҳаётидан*

# «НАВРЎЗ»НИНГ ЯНГИ КУНИ

***«Наврўз» деҳқон-фермер хўжалиги 1993 йил баҳорида ўз фаолиятини бошлаган эди. Дастлаб, минг бир ҳадик ва таваккалчилик билан бошланган иш бугунги кунда анча самарали тус олган.***

Банкдан олинган кредитлар ўзини оқлади. Ҳозир фермерлар ҳисобида 400 минг сўм маблағ бор. Яна 200 квадрат метр майдонда молхона ҳам қурилган, 2 та трактор харид қилинган. 34 бош қорамол, 3 бош от, 58,5 гектар ер деҳқон-фермер хўжалиги ихтиёрида. 30,5 гектар ерга деҳқончилик қилинади. 20 гектарлик чорвоқ, 2 гектар боғ ҳам улар ихтиёрига хатлаб берилган. Хуллас, киройи фермер дегудек.

Буларнинг барчаси Қизилтепа туманидаги «Наврўз» деҳқон-фермер хўжалигининг хусусий мулки. Хўжаликка Муаззам опа Исоқулова бошчилик қилади. Лекин... тўғрисини айтсак, увол-савоб унинг умр йўлдоши Жаҳон Бозоров зиммасида. Асл касби ўқитувчи бўлган, кўп йиллар мактабда сабоқ берган Жаҳон ака заҳматининг меваси бу хўжалик.

Ўтган йили тадбиркорлар деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. 19 гектар ернинг ҳар гектаридан 49,5 центнердан ғалла ҳосили олиб, 22 тоннасини давлатга сотдилар. 25 тоннадан ортиқ сут ишлаб чиқарган бўлсалар, унинг 15 тоннага яқини давлатга сотилди. Шунингдек, 1,5 тоннадан ортиқ гўшт ҳам ҳамёнга пул бўлиб қайтди.

Деҳқон-фермер хўжалиги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги билан ҳамкорлик қилади. Аммо фермерлар хўжаликдан қарздор эмас. Ҳисобли дўст айрилмас дейишади-ку.

«Наврўз» деҳқон-фермер хўжалиги соҳиблари бугунги кунда ҳақиқий мулкдорларга айланган экан, аввало, бу иқтисодий ислоҳотларнинг шарофатидир. Юз минглаб мулкдорлар қатори уларни ҳам ана шу ислоҳот ва истиқлол юзага чиқарди. Эртанги кунга умид бахш этди. Бугун фермер хўжалиги далаларида иш қизғин. Жорий йил ҳосили, қишлов учун хашак жамғариш ишлари жадал олиб борилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири.**



*СУРАТДА: «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари А. Дербесов ва Ш. Жабборовлар иш устида.*

# «САРМИШ»НИНГ ИНЪОМИ

***Навбаҳор туманидаги «Сармиш» жамоа хўжалигида қоракўл териларни қайта ишлайдиган цех очилди.***

У ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турлича: шубадан тортиб шиппаккача. Цехнинг очилиши натижасида бир қанча янги иш ўринлари юзага келди. Унга ҳозир наманганлик уста К. Нурматов бошчилик қилмоқда.

Цех ишчиларининг дастлабки маҳсулотлари бўлмиш 200 жуфт оёқ кийими вилоятнинг «Меҳрибонлик» болалар уйига туҳфа этилди.

